
АСФАЛЬТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, МОЙНИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИ, 4 ҚАВАТЛИ ГИПЕРМАРКЕТ – ВИЛОЯТ ҲОКИМИ МАРҒИЛОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров кеча Марғилон шаҳридаги “Наврўз” МФЙда тадбиркор Баҳромжон Қурбонов томонидан ташкил этилган асфальт ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини ҳам кўздан кечирди. Бу ерда 20 та иш ўрни яратилган бўлиб, 228 минг долларлик лойиҳа доирасида йилига 85 тонна маҳсулот тайёрлаш режа қилинган.

Шунингдек, тадбиркорнинг шаҳардаги Чаманзор кўчасида жойлашган, автомобиль мойларини қайта ишлаш лойиҳаси ҳам бориб кўрилди. Ҳозиргача қурилаётган мазкур заводда 3 млрд. сўмлик ишлар қилинган бўлиб, умумий лойиҳа қиймати 6,5 млрд. сўмни ташкил этади. Эътиборлиси, йилига 30 тонна мойни қайта ишлаш натижасида яна 27 тонна тоза мой олиш имконияти яратилади. Вилоят ҳокимининг тадбиркор билан мулоқотида қурилиш жараёнлари ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида сўз борди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва вилоят секторлари раҳбарлари шаҳар марказининг Б.Марғилоний кўчасидаги собиқ автотураргоҳ ўрнига барпо этилаётган 4 қаватли замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш комплекси лойиҳаси боришини ҳам кўздан кечирдилар. Бу ерда озиқ-овқат, кийим – кечак савдо дўконлари, болалар ўйингоҳи, ўқув-марказлари ва офислари ташкил этилади. Тадбиркор Ўткир Аҳмедов “Марғилон гипермаркет” МЧЖ томонидан келгуси йилнинг сентябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилаётган ва лойиҳа қиймати 40 млрд. сўм бўлган мажмуа ҳақида атрофлича маълумот берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-11 10:58:37